

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

АЧИЛОВА СЕВАРА ДЖАСИРКУЛОВНА

**ДИЗАРТРИЯ НУТҚ КАМЧИЛИГИГА ЭГА БОЛАЛАР НУТҚИНИНГ
ФОНЕТИКО-ФОНЕМАТИК ТОМОНИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ИШ
ТИЗИМИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (phd) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ЧИРЧИҚ – 2021

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление авторефера диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Ачилова Севара Джасиркуловна Дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини коррекциялаш иш тизими.....	5
Ачилова Севара Джасиркуловна Система коррекционной работы фонетико-фонематической стороны речи детей с дизартрическим дефектом речи	23
Achilova Sevara Djasirkulovna System of corrective operation of phonetic-phonematic side of speech of children with dysarthric speech defect	43
Эълон қилинган ишлар рўйҳати Список опубликованных работ List of published works	48

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

АЧИЛОВА СЕВАРА ДЖАСИРКУЛОВНА

**ДИЗАРТРИЯ НУТҚ КАМЧИЛИГИГА ЭГА БОЛАЛАР НУТҚИННИГ
ФОНЕТИКО-ФОНЕМАТИК ТОМОНИНИ КОРРЕКЦИЯЛАШ ИШ
ТИЗИМИ**

13.00.03 – Махсус педагогика

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

ЧИРЧИҚ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.PhD/Ped1434 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.cspl.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмедова Зухра Мирзабековна,
педагогика фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Мўминова Лола Раҳимовна,
педагогика фанлари доктори, профессор

Шокирова Шахноза Дилмуродовна,
педагогика фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Жиззах Давлат педагогика институти

Диссертация химояси Тошкент вилояти Чирчиқ педагогика институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.01 рақами илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг “___” 2021 йил соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-үй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41; e-mail: www.cspl.uz).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-үй. Тел.: (+998) 70-712-27-55; факс: (+998) 70-712-45-41.

Диссертация автореферати 2021 йил “___” ____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» ____ даги ___ рақами реестр баённомаси)

Ж.Э.Усаров
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Д.Н. Махмудова
илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, педагогика фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)

Р.А. Эшchanov
илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, б.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда бутун жаҳонда кузатилаётган таълимнинг глобаллашуви (globalization of education) бир қатор мамлакатларнинг таълим моделларида инклюзив таълимни инновацион ёндашув ва технологиялар воситасида такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола хуқуқлари тўғрисидаги (1989 йил) ҳамда Ногиронлар хуқуқлари тўғрисидаги (2006 йил) конвенциялари ногиронлиги бўлган болаларнинг ижтимоий ҳаётга эрта уйғунлашуви муаммосини ҳал қилиш, маҳсус таълимнинг мазмунини модернизация қилиш инклюзив таълимга инновацион ғояларнинг татбиқ этилишига асос бўлмоқда. Юнесконинг таълимга оид лойиҳалари доирасида “Имконияти чекланган шахслар таълим ҳуқуқи” (“Individuals with Disabilities Education Act – IDEA”) (АҚШ, 1990) ва “Инклюзив мактаб – маҳсус таълимга муҳтож болалар” (“Inclusive Schooling – Children with Special Educational Needs”) (Буюк Британия, 2001) каби қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, уларга асосан мактабгача таълим муассасаларида ўкув-тарбия муҳитини барча болалар учун уйғунлаштириш, мослаштириш ва қулайлаштириш орқали очиқ таълим муҳитини жорий этиш борасида илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Дунёнинг бир қатор ривожланган мамлакатлари олий таълим муассасалари ҳамда илмий марказларида мактабгача ёшдаги маҳсус таълимга эҳтиёжи бор болалар учун инклюзив таълим мазмунини яхшилаш, уларда креативлик, коммуникативлик, кашфиётчилик қўнималарини ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан болалардаги нутқий қобилиятнинг ривожланишидаги жисмоний нуқсонлар ва уларни бартараф қилиш, хусусан, дизартияга эга болалар нутқининг лингвистик компонентларини ташхислаш ва коррекциялаш, уларда коммуникатив компетенцияларни ривожлантириш масаласи инклюзив таълимнинг муҳим муаммоларидан ҳисобланади. Нутқий имконияти чекланган болаларда ушбу компетенцияларни шакллантиришда вариатив ёндашувлар, сенсомоторик таъсир воситаларидан ўринли фойдаланишнинг педагогик имкониятларини очиб бериш бўйича илмий тадқиқотларга зарурат тобора ортмоқда.

Мамлакатимизда 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги “Таълим тўғрисида”ги қонунда таълим олиш шакллари сифатида инклюзив таълим алоҳида қайд этилди. Унга кўра, “Инклюзив таълим алоҳида таълим эҳтиёjlари ва индивидуал имкониятларнинг хилма-хиллигини ҳисобга олган ҳолда барча таълим олувчилар учун таълим ташкилотларида таълим олишга бўлган тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган”¹. Мактабгача таълим ташкилотларида таълим ва тарбиянинг имконияти чекланган бола шахси ривожланишига таъсирини педагогик-психологик, ташкилий-методик жиҳатдан тадқиқ этишда шахсга йўналтирилган ҳамда ривожлантирувчи технологиялардан фойдаланишга устуворлик берилган. Бу эса нутқий

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. – Тошкент, 2020 йил 23 сентябр // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.09.2020 й., 03/20/637/1313-сон.

имкониятларида нуқсони бор, хусусан, дизартрия нутқ камчилигига эга болаларда нутқнинг фонетико-фонематик томонини ташхислаш, коррекциялаш ва ривожлантиришни илмий асосда ҳал қилиш, унга қўйиладиган педагогик-психологик талабларни замонавий педагогик технологиялар асосида аниқлаштиришни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сон “Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари; 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сон “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 13 октябрдаги “Алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларга таълим-тарбия бериш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сон “Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда болалар нутқи муаммоси педагогиканинг асосий тадқиқот объектларидан бири сифатида маҳаллий олимлар томонидан ўрганиб келинмоқда. Хусусан, соғлом болалар нутқининг ривожланиши ва грамматик шаклланиши Н.Сайдраҳимова, Г.Искандарова, Ф.Ҳамирова, М.Қурбонова; болаларда учрайдиган нутқи нуқсонларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалалари Л.Мўминова, М.Аюпова, Х.Пўлатова, З.Ахмедова, Е.Бабаева, В.Веретенникова, Н.Рахмонқулова, Ш.Арипова, Ш.Тоҳтиярова; ақли заиф болалар нутқи устида ишлаш методикаси Р.Шомахмудова, В.Раҳмонова, Д.Нуркелдиева, М.Ҳамирова, Н.Мусаева; кар ва заиф эшитувчи ўқувчилар нутқини ривожлантиришнинг коррекцион-педагогик иш тизими ҳамда унинг усул ва воситаларини аниқлаш Р.Рустамова, У.Файзиева, Ф.Қодирова, Д.Назарова, Н.Соседова, Д.Якубжановаларнинг илмий тадқиқотларида ёритилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатларида болалар нутқини ривожлантиришнинг илмий-назарий ва педагогик асослари, хусусан, нутқи нуқсонига эга болалар билан ишлашнинг методик аспектлари С.Браду, Л.Бадалян, А.Прафферродт, Г.Гуровец, С.Маевская, Т.Власова, К.Витторф,

М.Иппалитова, М.Литвак, Е.Мастюкова, К.Селимова, М.Эйдинова, Е.Правдина, Е.Винарская, М.Бриттман, М.Маргулис, В.Муратова; болаларда фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этишнинг педагогик-психологик томонлари Г.Каше, Т.Филичева, Т.Туманова, Р.Левина, Г.Чиркина; мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ нуқсонига эга болаларни комплекс ташхис қилиш, уларда товушларни тўғри талаффуз этиш кўникмаларини шакллантириш механизmlари Г.Гуровец, И.Карелина, В.Киселева, Л.Копачевская, Р.Мартынова, С.Маевская, Л.Мелехова, В.Минашина, Э.Сизова, Е.Корицкая, О.Токарева; дизартриянинг келиб чиқиш сабаблари, механизmlари ҳамда уни корекциялашнинг мазмуни, усуслари ва воситалари Е.Архипова, Е.Винарская, С.Браду, И.Карелина, Л.Лопатина, Ю.Гаркуша, С.Мироновалар томонидан тадқиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Фердинанд де Соссюр (Ferdinand de Sossyur), Тардиэн (Tardien), Говерс (Govers), Фроэчелс (Froeschels), Брайн (Brain), Фарраколет Лофон (Farracolet Lofon), Грэвел (Grewel), Ҳазард-Хугот (Hazard-Hugot), Бодуэн де Куртенэ (Baudouin de Courtenay)ларнинг илмий изланишларида болаларда дизартрия нутқ камчилигининг учраши, унинг сабаблари ва бола ривожланишига таъсири масалалари ўз ифодасини топган.

Мактабгача ёшдаги болаларда дизартрия нутқи нуқсонининг фонетико-фонематик томонини корекциялаш тизими ва технологияларини такомиллаштириш зарурати мазкур диссертацияни мавзусини белгилаб берди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институтининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари ва амалий механизmlари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқотлар режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини корекциялаш тизими ва технологияларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммога оид педагогик, илмий-методик адабиётлар ҳамда миллий ва хорижий тажрибаларни индивидуал ёндашув, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва қайта алоқага йўналтиришга асосланган рефлексив муҳит талаблари асосида таҳлил қилиш;

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини логопедик иш босқичлари асосида ташхислаш, корекциялаш ва ривожлантириш омилларини аниқлаш, технологияларини такомиллаштириш;

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини корекциялаш иш тизими моделини амалий-методик йўналган мажмуавий тузилмалар воситасида такомиллаштириш;

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини корекциялаш ва ривожлантириш орқали болаларда ижтимоийлашув мотивациясини оширишга оид педагогик тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти сифатида 5-7 ёшли дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини ташхислаш, коррекциялаш ва ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Жиззах вилояти Жиззах шаҳрининг 21-сонли ихтисослаштирилган давлат мактабгача таълим ташкилоти, Тошкент шаҳар 560-сонли давлат кўп тармоқли ихтисослашган мактабгача таълим ташкилоти, Тошкент вилояти Чирчик шаҳар 11-сонли маҳсус мактабгача таълим ташкилоти, Наманган вилояти Тўракўрғон туманидаги 2-сонли давлат кўп тармоқли ихтисослаштирилган маҳсус мактабгача таълим ташкилотларининг 130 нафар тарбияланувчилари жалб этилди.

Тадқиқотнинг предметини дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини ташхислаш, коррекциялаш ва ривожлантириш бўйича коррекцион-педагогик жараён мазмуни, шакл, усул, восита ва технологиялари ташкил қиласди.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий-таққослаш, аналогия, моделлаштириш), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш, лойиҳалаштирилган методикалар), прогностик (эксперт баҳолаш, мустақил баҳоларни умумлаштириш), педагогик эксперимент ва математик методлар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқалар) мажмуудан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини ташхислаш, коррекциялаш, ривожлантириш бўйича коррекцион-педагогик иш мазмуни миллий ва хорижий тадқиқотларда илгари сурилган индивидуал ёндашув, ўз-ўзини таҳлил қилиш ва қайта алоқага йўналтиришга асосланган рефлексив муҳит талаблари асосида такомиллаштирилган;

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини ривожлантириш технологиялари фонематик идрокнинг эшитиш, кўриш, ҳаракат, тери-туюш асосида нутқни тушуниш ва талаффуз қилишга асосланган сенсор функцияси компонентларини логопедик иш босқичлари мазмунига коррекциялаш орқали оптималлаштириш асосида такомиллаштирилган;

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини коррекциялаш модели вариатив усуллар ва якка ривожланиш дастурига асосланувчи адаптив (мослашувчан) иш тизими ҳамда товушларни эшитиб идрок этишнинг амалий-методик йўналган тиббий, психологик, педагогик мажмуавий тузилмалари асосида такомиллаштирилган;

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини лингвистик, психологик ҳамда этиопатогенетик ёндашув уйғунлигига клиник ташхислаш, артикуляр-акустик коррекциялаш, товуш тизимидағи сегмент (нутқининг маъноли энг кичик бирлиги) ва суперсегмент (оҳанг, урғу, такт) бирликларни қабул қилиш ва улардан коммуникатив даражада фойдаланишни ривожлантириш асосида болаларда ижтимоийлашув мотивациясини оширишга оид методик тавсиялар тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагилардан иборат:

дизартрия нутқ нуқсонида фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этиш жараёни мазмуни аниқланган, усул ва воситалари ишлаб чиқилган;

дизартрия нутқ нуқсонида учрайдиган фонетико-фонематик нутқ камчиликларини инобатга олган ҳолда, коррекцион-логопедик иш олиб бориш асосида “Дизартрия нутқ нуқсонига эга болаларда фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этиш” дастури яратилган ва амалиётга жорий этилган;

инклузив таълим шароитида дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган иш тизими мужассамлаштирилган логопедик машғулотлар серияси (series of speech therapy trainings) ишлаб чиқилган;

мазкур тоифадаги болаларни мактаб таълимига нутқий жиҳатдан тайёрлаш бўйича ота-оналар билан ҳамкорликда ишлаш дастури (collaboration program) ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги педагогиканинг асосий тамойилларига ҳамда қўлланилган ёндашув ва усувларнинг илмий-методик жиҳатдан асосланганлиги, муаммо юзасидан республикамиздаги ва хорижий олимларнинг фикр-мулоҳаза ҳамда ғояларига таянилганлиги, педагогик тажриба-синов ишларининг таҳлили ва самрадорлиги математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, тадқиқот мақсад ва вазифаларининг адекватлиги, хулоса, таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги дизартрия нутқ нуқсонига эга болаларда фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этиш муаммосининг илмий-назарий жиҳатдан асосланганлиги, амалиётга таклиф қилинган иш тизимидан, тадқиқот жараёнида такомиллаштирилган дастур, методик тавсиялардан ҳалқ таълим ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида педагогик жараён самарадорлигини оширишда, амалий-методик йўналган ҳолда ташкил этилишида, кадрлар тайёрлаш тизими учун ўкув режа ва дастурларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти қўлга киритилган натижалар инклузив ва маҳсус мактабгача таълим ташкилотларида коррекцион дастурларни такомиллаштириш, логопед-дефектологларнинг коррекцион иш режаларини тузиш, мактабгача ва ҳалқ таълими тизими педагогларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, узлуксиз таълим тизимида логопедик хизматни самарали ташкил этиш мақсадида ташкил қилинадиган ўкув семинарларининг самарадорлигини ошириш, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этиш технологияларини мунтазам такомиллаштириш, мазкур тоифа болалар хулқ-атвори, ўқиши ва ёзувидаги

бузилишларнинг олдини олиш, уларни мактаб таълимига нутқий жиҳатдан муваффақиятли тайёрлаш ҳамда ота-оналарга методик ёрдамни манзилли ва мақсадли олиб боришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этиш технологиясига доир тадқиқот натижалари асосида:

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини ташхислаш, коррекциялаш, ривожлантириш бўйича коррекцион-педагогик иш мазмунини такомиллаштиришга оид таклифлар “Махсус педагогика” фани бўйича давлат таълим стандартлари ва малака талаблари мазмунига сингдирилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 02-02-2-1377 сон маълумотномаси). Натижада мазкур ҳужжат маҳсус мактабгача таълим муассасаларида логопед-дефектологлар учун болалар нутқ камчиликларини ўз вақтида тўғри аниқлаш, аниқланган нутқ камчиликларига ташхисни тўғри белгилаш, коррекцион-педагогик фаолият самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

фонетик идрокнинг сезги функцияси компонентларининг (эшитиш, кўриш, ҳаракат, тери-туюшга асосланган нутқ) мослигини оптималлаштиришга асосланган дизартрия нутқ бузилиши бўлган болалар нутқининг фонетик-фонематик томонини ўзлаштириш технологияси ва нутқни ўрганиш босқичлари мазмунини такомиллаштириш бўйича таклифлардан “Оила, болалар боғчаси, мактаб ва маҳалланинг ўзаро таъсирини таъминлаш учун илмий-услубий асосларни яратиш” мавзусидаги ИТД-1-62-сонли амалий лойиҳа доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 02-02-2-1377-сонли гувоҳномаси). Натижада дизартрия нутқ нуқсони бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг фонетик ва фонематик нутқ нуқсонларини бартараф этиш бўйича ишлар такомиллаштирилган;

дизартрия нутқ камчилигига эга болалар билан ишлашнинг адаптив ва вариатив усуслари, машғулотлар жараёнида якка ривожланиш дастуридан фойдаланишга оид методик тавсиялардан “Дислалия. Дизартрия” ўкув қўлланмасини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31.05. 237-сонли буйруғи 8-илова; Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 02-02-2-1377 сон маълумотномаси). Натижада дизартрия нутқ нуқсони бор болалар билан ишлайдиган бўлажак логопедларни тайёрлаш мазмуни ва ўкув-услубий таъминотини такомиллаштиришга еришилган;

дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган мактабгача ёшдаги болаларнинг фонетико-фонематик нуқсонларини фанлар алоқадорлиги ёндашуви асосида таҳлил қилиш ва уларни лингвистик, психологик ҳамда этиопатогенетик ёндашув уйғунлигига асосланувчи клиник критерияларини ташхислаш, артикуляр-акустик коррекциялаш, товуш тизимидағи сегмент (нутқнинг маъноли энг кичик бирлиги) ва суперсегмент (оҳанг, урғу, такт) бирликларни қабул қилиш ва коммуникатив даражада фойдаланишнишга оид илмий хулоса ва таклифлар ўқитувчи-дефектологнинг малака талаблари, “Дислалия.

Дизартрия” номли ўқув фан дастури ҳамда шу фан дастури асосида тайёрланган “Дислалия. Дизартрия” ўқув қўлланмаси мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2021 йил 31.05. 237-сонли буйруғи 8-илова; Мактабгача таълим вазирлигининг 2021 йил 3 майдаги 02-02-2-1377 сон маълумотномаси). Натижада мактабгача таълим мазмуни, таълим-тарбия усуллари, шакл ва воситаларини такомиллаштиришга, коррекцион-педагогик иш тажрибасининг самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва амалий натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация иши кириш, учта боб, хуроса, 158 сахифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, обьекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини коррекциялашнинг илмий-назарий асослари**” деб номланган биринчи бобида мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларда учрайдиган нутқ камчиликларини ташхислаш, уларни бартараф этишда логопедик хизматни ташкил этиш бўйича хорижий ва миллий маҳсус педагогикада олиб борилган илмий изланишлар таҳлили келтирилган. Ушбу тадқиқотлар мазмунида нутқ камчиликлари орасида дизартрия оғир нуқсон сифатида эътироф этилади. Бугунги кунда дизартрия нутқ нуқсонини аниқлашдаги логопедик назариялар ва амалиёт дизайнтраия нутқ нуқсонларининг енгил турларини очиб бера олади. Уни таърифлаш учун турли атамалар қўлланилади: “енгил дизартрия”, “марказий органик ёки мураккаб дислалия”, “мураккаб тилдаги кафолат”, “заиф артикуляр бузилиш шакллари”, “ўчтан, суркалган дизартрия”, “минимал дизартрик нуқсон” ва ҳоказо. Ушбу нутқ камчилиги оқибатида болаларда товушлар талаффузи бузилади. Товушларни ноаниқ талаффуз қилиш эса сўзлашув нутқининг тушунарсизлигини оширади.

Бу ҳолат болаларда турли психологик ноқулайликларни юзага чиқаради. Натижада болалар нафақат атрофдагилар билан мулоқотда чекинадилар, балки атроф оламни англаш, ўқув фанлари мазмунини ўзлаштириш жараёнида ҳам нофаолликни намоён қиласи.

Дизартрия ҳақида фикр билдирар экан, М.Ю.Аюпова “Дизартрия бу марказий характердаги органик нутқ бузилишидир”, дейди ва мазкур нуқсон натижасида болаларда нутқ ва умумий ривожланиш ўзига хос тарзда кечишини баён қиласи. Дизартрия нутқ камчилигига нутқ аъзоларининг (тил, лаблар, юмшоқ танглай) кам ҳаракатланиши натижасида нутқ товушлари артикуляцияси қийинлашади, шу билан биргаликда, овоз, нафас бузилишлари ҳамда нутқнинг суръати, ритми ва ифодалигига ўзгаришлар кузатилади.

Тадқиқот давомида мазкур нутқ нуқсонига эга бўлган болаларни илк кузатиш жараёнида амалиётда “дизартрияниң енгил даражаси” турини алоҳида ажратиш лозим, деган холосага келинди. Чунки дизартрияниң ҳар бир турида ўзига хос логопедик иш белгиланади ва олиб борилади. Енгил даражадаги дизартрия билан олиб борилувчи логопедик иш мазмунини тизимлаштириш учун оғир даражадаги дизартрияниң симптомларини таҳлил қилишга зарурат туғилди.

Диссертацияда дизартрия нутқ камчилигини бартараф этишда боланинг илк ривожланиш даврлари, умумий ва оиласидаги ривожланиш ҳолатларини инобатга олган ҳолда коррекцион-педагогик иш тизими ташкил қилиниш лозимлиги самара бериши далилланди. Коррекцион-логопедик ишнинг асосий қисмида товушни нутқа қўйиш, товушни нутқда мустаҳкамлаш, товушни нутқда бошқа товуш билан фарқлаш каби ишлар олиб бориш зарурлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Диссертацияниң “**Дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини ўрганиш методикаси**” деб номланган иккинчи бобида мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги нутқида нуқсони бўлган болалар нутқини ўрганиш ва таҳлил қилиш мақсадида таъкидловчи тажриба-синов ишлари мазмуни шакллантирилди. Фонематик таҳлил фонематик идрокка нисбатан мураккаб функция ҳисобланади ва болаларда нутқ ривожининг кейинги босқичларида шаклланади. Сўзнинг фонематик таҳлили нафақат турли фонемаларни идрок қилиш асосида, балки унинг таркибий қисми бўлган товушларга ажратиб ўрганилади.

Мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этиш муаммоси бўйича мақсадга йўналтирилган тадқиқот Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги 21-сонли махсус мактабгача таълим ташкилоти, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 11-сонли махсус мактабгача таълим ташкилоти, Наманган вилояти Тўракўғон тумани 2-сонли давлат кўп тармоқли ихтисослашган махсус мактабгача таълим ташкилоти, Тошкент шаҳри 560-сонли махсус мактабгача таълим ташкилотлари базасида олиб борилди. Таъкидловчи тажриба-синов ишларида Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридан 30 нафар, Наманган вилояти Тўракўғон туманидан 30 нафар, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридан 30 нафар ва Тошкент шаҳридан 40 нафар дизартрия нутқ камчилиги бор болаларнинг

дизартрияни таснифлашда жароҳатланиш ўчогини ҳисобга олиш тамойилига кўра енгил даражасига эга бўлган 5-7 ёшли жами 130 нафар болалар иштирок этди. Тажриба-синов ишларига жалб қилинган мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг фонетико-фонематик нутқ камчиликларини аниқлаш ишлари умумий моторика ҳаракатининг ҳолати, бармоқлар ҳаракатчанлигининг ҳолати, артикуляцион нутқ аппарати ҳаракатчанлигининг ҳолати, фонематик идроки ҳолати ва товушлар талаффузини аниқлашга йўнатирилди.

Таъкидловчи эксперимент методикалари дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларни фонетико-фонематик жиҳатдан ўрганиш, мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб текшириш муаммоларига бағишлиланган психологияк ва педагогик адабиётларни таҳлил этиш асосида ишлаб чиқилган.

Юқоридаги экспериментнинг тайёрлов босқичида эксперимент давомида қўлланиладиган методикалар аниқланди, ташхис материаллари сараланди, олинган таъкидловчи эксперимент натижалари қайд этиладиган варақалар тузилди. Дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг тибий ҳужжатлари таҳлил этилиб, анамнестик маълумотлар тўпланди, тадқиқот гурухи аниқлаштирилди. Шунингдек, болаларни логопедик текшириш жараёнига тайёрлаш босқичи мазмуни такомиллаштирилди: аэротерапия, мусиқа терапия, ароматерапия, ўйин терапия, изо терапия ва қум терапиялардан фойдаланилди. Натижада болаларнинг мулоқотга киришиш жараёни тезлашди. Дизартрия бу марказий характердаги нутқ камчилиги бўлганлиги боис, болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этишда неврапатолог билан ҳамкорликда ишлар олиб борилди. Бунда болаларни бўшаштирувчи медикоментоз ва фитотерапия муолажалари олиб борилди.

Ушбу экспериментнинг асосий босқичида мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ нуқсони бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқ камчиликларини текшириш инобатга олинди. Якунловчи босқичда олинган натижалар таҳлил этилди. Тегишли таҳлиллар ва таъкидловчи эксперимент натижалари асосида фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этишга доир логопедик иш йўналишлари ишлаб чиқилди.

Таъкидловчи эксперимент методикасини олиб боришда 5-7 ёшли дизартрия нутқ камчилигига эга болаларнинг умумий моторика, бармоқлар ва артикуляцион нутқ аппарати ҳаракатчанлиги, артикуляцион нутқ аппарати тузилиши, товушлар талаффузи, фонематик идроки, фонематик эшитувнинг шаклланганлик ҳолати, сўздаги товуш анализи ва синтези, овознинг баландлиги, кучи ва тембрини фарқлаши, товуш таркибига кўра яқин сўзларни, бўғинларни фарқлаши, элементар товуш таҳлили кўникмалари текширилди. Хусусан, “Боланинг кўзини юмган ҳолда орқасида туриб шиқилдоқни чалиш ва боладан овоз қаердан келаётганини сўраш” топшириғини бажаришда 35 нафар (54 %) бола топшириқни тўғри ва аниқ бажарди; 10 нафар (15 %) бола топшириқни бажарганда бир нечта кичик хатоликларга йўл қўйди; 9 нафар (14 %) бола топшириқни логопед ёрдамида бажарди; 10 нафар (15 %) бола

топшириқни қисман түгри бажарди; 1 нафар (2 %) бола топшириқни бажара олмади.

Умуман, мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги нутқида нұқсони бўлган болалар нутқини ўрганиш ва таҳлил қилиш, дизартрия нутқ камчилигини бартараф этиш, тадқиқотда илгари сурилган илмий фаразни тасдиқдан ўтказиш мақсадида ўтказилган педагогик тажриба-синов ишларида қўлланилган метод ва усулларнинг самарали эканлиги далилланди.

Диссертациянинг “Дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқи устида ишлашнинг коррекцион-педагогик тизими” деб номланган учинчи бобида мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим мактабларда нутқ камчилигига эга болалар билан ишлашнинг ташкилий, услубий, психологик, педагогик шарт-шароитлари баён этилди. Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар билан олиб бориладиган коррекцион-педагогик ишларда турли хил педагогик технологиялардан фойдаланиш ижобий натижа бериши исботланди. Логопедик машғулотларнинг якка тартибда ҳамда фронтал шаклларида анънавий усуллардан ташқари болаларнинг фаол ҳаракатларини ташкил этишга мўлжалланган интерфаол усуллар ҳамда турли таълим технологияларидан фойдаланиш тавсия этилди.

Таълимий тажриба-синов ишлари натижасида махсус мактабгача таълим ташкилотларида дизартрия нутқ нұқсонига эга бўлган болаларнинг фонетико-фонематик нутқ камчиликларини бартараф этишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг муҳим омили сифатида машғулотдан кўзланган мақсадни түгри шакллантириш лозим, деган хуносага келинди. Коррекцион мақсадни кўзлаган инновацион ўқув муҳитининг мақсади – дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини тузатиши орқали болаларда ўз-ўзини намоён қилиш кўникмаларини шакллантириш ҳамда ўқиш мотивациясини ривожлантириш ҳисобланди.

Нутқ камчиликларини бартараф этишда болаларнинг нафақат нутқий муаммолари, балки умумий ривожланишидаги тўсиқларни бартараф этиш лозимлигидан келиб чиқсан ҳолда самарадорлиги тажрибада исботланган вазифалар, тамойиллар ва методлардан кенг фойдаланилади. Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини коррекциялаш иш тизими моделининг асосий вазифалари умумпедагогик жараёндаги каби таълимий, тарбиявий, коррекцион каби йўналишларда белгиланди. Коррекцион жараён ўз мақсад ва вазифаларини амалга ошириш орқали нутқида нұқсони бўлган болаларнинг шахс сифатида шаклланишига ҳам таъсир кўрсатди. Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини коррекциялаш иш тизими модели 1-расмда келтирилган.

Таълимий экспериментнинг мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишида мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ нұқсонига эга бўлган болаларнинг фонетико-фонематик нутқ камчилигини ўрганиш бўйича илмий-назарий, методик ва амалий материаллар инобатга олинди. Тадқиқот ишда Т.Б.Филичева, Г.В.Чиркиналарнинг “Болаларда фонетико-фонематик нутқ ривожланмаганлигининг олдини олиш логопедик иш дастури” ҳамда

Дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқи устида ишлашнинг коррекцион-педагогик тизими



Мақсад – дизартрия нутқ камчилигига эга болалар нутқининг фонетико-фонематик томонини коррекциялаш ва ривожлантириш



Коррекцион-логопедик иш босқичлари

Тайёрлов босқичи

Асосий босқич

Якуний босқич

Вазифа

Тамойил

Диагностика

Умумдидастик

Коррекцион

Якка ёндашиш

Ривожлантирувчи

Хусусий

Методлар

Воситалар

Инновацион ёндашув

Оғзаки

Логопедик зондлар

Ота-оналар билан ишлаш

Кўргазмали

Овоз чиқарувчи жиҳозлар

Нутқ камчиликларини
бартараф этишда компьютер
технологиялардан
фойдаланиш

Амалий

Кўргазмали жиҳозлар

Нутқий ва нутқий бўлмаган товушларни
фарқлашни ривожлантириш.
Товушлар талаффузини ривожлантириш.
Умумий моторика ва бармоқлар
харакатчанлигини ривожлантириш.

Юқори даражা (5 балл)
Ўртадан юқори даражा (4 балл)
Ўрта даража (3 балл)
Ўртадан паст даража (2 балл)
Паст даража (1 балл)

Натижавий тахламалар мезони

Натижа: болаларда фонетик эшитув ва фонематик идрок орқали нутқий ифодалардан мулоқотда тўғри
фойдаланиш малакалари шаклланади ҳамда боланинг ёш даврларига мос равишда умумий (аклий, руҳий,
жисмоний, нутқий) ривожланишига эришилади.

**1-расм. Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болалар нутқининг
фонетико-фонематик томонини коррекциялаш иш модели**

М.Ю.Аюпованинг “Нутқнинг фонетик-фонематик ривожлантиришда 5 ёшли болаларни ўқитиши ва тарбиялаш дастури”га таяниб, ўзбек тили хусусиятларини инобатга олган ҳолда, замонавий ёндашувлар билан такомиллаштирилган “Дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқини ривожлантириш дастури” ишлаб чиқилди.

Таълимий эксперимент тажриба-синов ишларида ҳам ўрганувчи тадқиқот жараёнига жалб этилган болалар қатнашдилар. Таълимий экспериментнинг мақсади логопедик машғулотлар асосида дизартрия нуксонига эга болалар мулоқотида фонетико-фонематик нутқни тўғри қўллаш кўникмаларини ривожлантириш этиб белгиланди. Таълимий вазифалар сифатида болаларда нутқий ва нутқий бўлмаган товушлар талаффузини ҳамда уларни фарқлашни, умумий моторика ва бармоқлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш, мулоқотда фонетико-фонематик нутқни тўғри қўллаш ва фарқлаш кўникмаларини шакллантириш, назорат ҳамда тажриба гурухларида фонетико-фонематик нутқнинг ривожланиш динамикасини ўрганиш ва таққослаш кабилар белгилаб олинди.

Мактабгача ёшдаги дизартрия нутқ камчилигига эга бўлган болаларда фонетико-фонематик нутқни ривожлантириш жараёни мазмуни, ўз мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда таълимий эксперимент учта даврни ўз ичига олди. Биринчи давр вазифалари сифатида артикуляцион нутқ аппарати ҳаракатчанлигини ривожлантириш, тўғри талаффуз қилинадиган товушларни аниқлаш, товушларни нутқقا қўйиш, эшитиш идрокини ривожлантириш, товушлар дифференциацияси устида ишлаш, сўз ва бўғин ичидан товушни ажратиш, умумий моторика ва бармоқлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш кабилар кўзда тутилди. Иккинчи даврда эса нутқقا қўйилган товушларни нутқда мустаҳкамлаш, эшитиш идрокни ривожлантириш, товуш анализ ва синтезини шакллантириш, нутқнинг лексик-грамматик томонини бойитиш ва ривожлантириш, умумий моторика ва бармоқлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш каби вазифалар белгиланди. Учинчи давр вазифалари сифатида нутқقا қўйилган барча товушларни, товуш анализ малакаларини мустаҳкамлаш, нутқнинг лексик-грамматик томонини такомиллаштириш, умумий моторика ва бармоқлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш кабилар назарда тутилди.

Ҳар бир даврда олиб бориладиган логопедик ишлар учта босқичга бўлинган ҳолда ташкил этилди.

Тайёрлов босқичида артикуляцион нутқ аппарат ҳаракатчанлигини, умумий моторикани, бармоқлар ҳаракатчанлигини ривожлантириш, тўғри талаффуз этиладиган товушларни аниқлаш, товушларни нутқقا қўйиш, фонематик эшитувни ҳамда фонематик идрокни ривожлантириш, товушлар дифференциацияси устида ишлаш, сўз ва бўғин ичидан товушни ажратиш каби логопедик ишлар амалга оширилди.

Асосий босқичда дастлабки босқичда бошланган коррекцион-логопедик ишлар давом этган ҳолда, нутқ, болаларда фонематик эшитув ва фонематик идрокни ривожлантириш борасида ишлар ташкил қилинади. Шунингдек, бу босқичда нутқий бўлмаган товушларни, маълум бир товушлар қаторидан

товушни, келтирилган сўз таркибидан маълум бир товушни аниқлаш, берилган маълум бир товушга сўз ўйлаб топиш, битта товуш билан фарқ қилувчи бўғинлар қаторини қайтариш, берилган маълум товушга расм танлаш, бола нутқида тўғри талаффуз қилинадиган сўзлардан ўзлаштирилган товушларни нутқида мустаҳкамлаш, сўз таркибидаги алоҳида товушларни тўғри эшига билишни ривожлантириш каби ишлар амалга оширилди.

Якуний босқичда болаларда товушни анализ-синтез қилиш малакаларини шакллантиришга оид коррекцион логопедик ишлар давом эттирилади ва мустаҳкамланади. Бунда сўздаги товушларни баланд овозда такрорлаб, тўғри талаффуз этиш, сўздаги ҳар бир товушни тўғри эшитиш ва уларни ўзидан кейин келаётган товушдан ажратса билиш, сўздаги товушларни кетма-кетликда талаффуз қилиш, сўзлардаги товушларнинг сони ва кетма-кетлигини аниқлаш кўнимкалари устида ишланди.

